

## **Ўзбекистон Республикаси Марказий банкининг Банк назорати қўмитаси:**

Ўзбекистон Республикасининг “Ўзбекистон Республикасининг Марказий банки тўғрисида”ги Қонуни ва Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 9 январдаги ПФ-5296-сон “Ўзбекистон Республикаси Марказий банкининг фаолиятини тубдан такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги Фармониға мувофиқ ташкил этилган.

Қўмита ўз фаолиятини доимий равишда Ўзбекистон Республикасининг “Ўзбекистон Республикасининг Марказий банки тўғрисида”, “Банклар ва банк фаолияти тўғрисида”, “Биржалар ва биржа фаолияти тўғрисида”, “Микрокредит ташкилотлари тўғрисида”, “Кредит ахбороти алмашинуви тўғрисида”, “Валютани тартибга солиш тўғрисида”, “Аудиторлик фаолияти тўғрисида” ҳамда “Жиноий фаолиятдан олинган даромадларни легаллаштиришга ва терроризмни молиялаштиришга қарши курашиш тўғрисида”ги қонунларига ва бошқа қонун ҳужжатларига мувофиқ олиб боради.

Қўмита Марказий банкнинг амалдаги қонунчиликда белгиланган тартибга солиш ва назорат қилиш функцияларини амалга оширувчи коллегиял органи ҳисобланади.

Қўмита Марказий банкнинг тартибга солиш ва назорат қилиш функцияларини амалга оширишини таъминловчи таркибий тузилмалар фаолиятини мувофиқлаштириб боради.

### **Қўмитанинг асосий вазифа ва функциялари:**

Қўмита қуйидаги вазифаларни амалга оширади:

банк тизими барқарорлигини таъминлаш, омонатчилар ва кредиторлар манфаатларини ҳимоя қилинишини таъминлаш;

банк назорати бўйича халқаро стандарт ва талабларға мувофиқ банк тизими барқарорлигини таъминлашға қаратилган назорат ва тартибга солиш тизимини янада такомиллаштириш;

Марказий банкнинг тартибга солиш ва назорат қилиш функцияларини амалга ошириш, шу жумладан кредит ташкилотлари фаолиятини назорат қилиш ва тартибга солиш методологиясини такомиллаштириш ишларини мувофиқлаштириб бориш;

амалдаги қонунчилик ҳужжатларига мувофиқ бошқа вазифаларни амалга ошириш.

### **Қўмита қуйидаги ваколатларға эға:**

банк ташкил этишға дастлабки рухсат бериш, банклар ва кредит бюроларини рўйхатға олиш, банкларда аудиторлик текширувларини амалга ошириш ҳуқуқини берувчи сертификатлар ҳамда аудитор малака сертификатларини бериш, чақириб олиш, тўхтатиб туриш, бекор қилиш, дубликатларини бериш ҳамда қайта расмийлаштириш;

Марказий банк Бошқаруви йиғилишлари муҳокамасига банклар, микрокредит ташкилотлари, ломбардлар, валюта биржаси, кредит бюрolari фаолиятини ҳамда қимматли қоғозлар бланкаларини ишлаб чиқаришни лицензиялаш, лицензияни чақириб олиш, тўхтатиб туриш,

бекор қилиш, дубликат бериш ҳамда қайта расмийлаштириш масалаларини киритиш;

Марказий банк Бошқаруви муҳокамасига банкларни давлат рўйхатига олиш дафтарига, микрокредит ташкилотлари, ломбардлар, валюта биржаси ва кредит бюрolari фаолиятини ва қимматли қоғозлар бланкаларини ишлаб чиқаришга берилган лицензиялар реестрига киритиш ва чиқариш тўғрисидаги масалаларни киритиш;

банклар томонидан ўз акцияларини сотиб олишга рухсат бериш;

банк акциядорлар (қатнашчилар) умумий йиғилишининг қарорига асосан кўшиб юбориш, бирлаштириш, бўлиш, ажратиб чиқариш ва қайта тузиш шаклларида банкни қайта ташкил этишга рухсат бериш;

банкларга чет элда ўз шўъба банкини, филиалини ва ваколатхонасини ташкил этишга, шунингдек чет эл банкларининг устав капиталида иштирок этишга рухсат бериш;

Ўзбекистон Республикасида чет эл банкларининг ваколатхоналарини аккредитация қилиш ва ташкил этишга рухсат бериш;

банк Кенгаши ҳамда Бошқарувини ўзгартиришни, банкни қайта ташкил этишни талаб қилиш;

аудиторлик ташкилотларига банкларда аудиторлик текширувларини ўтказиш ҳуқуқини берувчи сертификатни бериш, чақириб олиш, тўхтатиб туриш, бекор қилиш, дубликат бериш ҳамда қайта расмийлаштириш;

аудиторларга банкларда аудиторлик текширувларини ўтказиш ҳуқуқини берувчи малака сертификатини бериш, қайта расмийлаштириш, амал қилишини тугатиш ва бекор қилиш.